**Йўл ҳаракати хавфсизликлари хизмати махсус автомашинасида кузатиш тўғрисида**

# ШАРТНОМА № 1

"11" январь 2022 йи Жиззах ш

Жиззах вилояти ИИБ Йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси (кейинги ўринларда "ЙҲХ хизмати" дюеб аталади) номидан Низом асосида иш юритувчи бошқарма бошлиғи Х.Р.Холқўзиев бир томонидан ва "Инкассация хизмати" (кейинги ўринларда–"Буюртмачи") низом асосида иш олиб борувчи номидан бош. бошлиғи М.З.Розиқов орқали иккинчи томондан ушбу шартномани қуйидагилар ҳақида туздилар:

## 1. Шартнома предмети

1.1."ЙҲХБ хизмати" "Инкассация хизмати" нинг буюуртмаси асосида бўлган автотранспорт воситалари белгиланган манзилга "ЙҲХ хизмати"нинг икки нафар ходимлари махсус астотранспорт воситаси билан кузатиб боради.

1.2. "Инкассация хизмати" эса кўрастилган хизматлар учун ҳақ тўлаш мажбуриятини олади.

## 2.Тарафларнинг мажбуриятлари

2.1. ЙҲХБ хизмати мажбурияти:

-"Инкассация хизмати"нинг буюртмаси асосида автотранспорт воситаларини манзилига кузатиб бориш учун махсус автомашинасини ва ходимларини ажратади.

-"Инкассация хизмати"нинг автотранспорт воситаларини ва унинг вакиллари белгиланган манзилига хавфсизлигини таъминланган ҳолда кузатиб боради.

2.3"Инкассация хизмати"

-қимматликларни кузатиб бориш учун "ЙҲХ хизмати" га бир кин олдин ёзма равишда буюрма беради.

2.4 Қимматликларни ташишга доир норматив хужжатларда кўрсатиб ўтилган тартиб ва қоидалар,тамоилларг амал қилиш улар учун мажбурий ҳисобланади

.

## 3.Кўрсатилган хизматлар учун ҳақ тўлаш

3.1."ЙҲХБ хизмати" кўрсатилган хизматлар учун томонлар ўртасида келишилган харажатлар сметаси асосида ўтган ой давомида қилинган жами харажатлар ҳисоблаб, ҳисоб-фактурага илова қилинган тўлов талабномасини ҳақ тўлаш учун "Инкассация хизмати"га тақдим этади.(Харажатлар сметаси шартномага илова қилинади)

3.2. "Инкассация хизмати" "ЙҲХБ хизмати" томонидан тўлов талабномаси тақдим этилган кундан бошлаб 10 (ўн) кун банк иш куни ичида кўрсатилган хизматлар ҳақини пул зтказиш йўли билан тўлайди.

## 4.Томонлар жавобгарлиги

4.1."ЙҲХБ хизмати" "Инкассация хизмати" банклардан қимматликларни қабул қилиб олади автотранспорт воситаларини қабул қилиб олгандан бошлаб уни қабул қилувчи хуудига топширгунга қадар кузатиб боради ва "Инкассация хизмати" олдида жавобгар бўлади.

4.2. Кўрсатилган хизматларга ўз вақтида ҳақ тўламагани учун "Инкассация хизмати" ЙҲХБ хизмати" фойдасига ҳар бир кечиктирилган кун учун муддати ўтказилиб юборилган тўлов суммасининг 0.4 фоизи миқдорида, лекин тўланиши лозим бўлган суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда пеня тўлайди

4.3. Мазкур шартномада кўзда тутилмаган барча ҳолатларда Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси ва "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хуқуқий базаси тўғрисида"ги қонун билан тартибга солинади.